# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ – АМАЛДА

## Тошга нақш ўяётганлар

Юртимизда таълим соҳасини ривожлантиришда илғор усуллардан фойдаланиляпти. Жарқўрғон туманидаги халқ таълими тизимида 56 та умумий ўрта таълим мактаби, 50 та мактабгача таълим муассаси, 4 та мактабдан ташқари таълим муассасаси мавжуд бўлиб, уларда ёшлар тарбияси, чуқур билим олиши учун зарур қулайликлар яратилган. Жумладан, барча ўқув масканларида фан тўгараклари фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, мактаб кутубхоналарини турли адабиётлар билан бойитиш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, «Мактаб — кутубхона — оила — жамоат фонди» хайрия тадбири ташкил этилганлиги ибратли жиҳатлардан бири. Мазкур тадбир самараси ўлароқ, ўтган йили кутубхоналар 19800 дона янги алифбодаги эртак, ҳикоя ва шеърий тўпламларга эга бўлди. Бундан ташқари, туман ҳокимлиги ҳар бир мактабга 92 номдаги, жами 2 миллион 348 минг сўмлик бадиий адабиётлар совға қилди.

Таълим стандартларини такомиллаштириш бош мезонга айланмоқда. Жорий йил феврал ойидан бошлаб фан ойликлари ташкил этилаётганлиги ана шу йўналишдаги ишлар сирасидандир. Ойлик тадбирлари давомида ҳар бир фан бўйича ўқитувчи ва ўқувчиларнинг дарслик, ўқув қўлланма ҳамда тарбиявий материаллар билан таъминланганлиги, ўқув хоналарининг кўргазмали қуроллар ва ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланганлигини чуқур таҳлил қилиш, очиқ дарслар ташкил этиш, педагоглар ўртасида тажриба алмашишни йўлга қўйиш, маҳоратли муаллимларнинг дарс ўтиш усулларини оммалаштириш сингари кўпгина вазифалар белгиланиб, ҳаётга изчил татбиқ қилинмоқда. Шу кунгача физика, кимё ва биология фанлари ойликлари ўтказилди.

Умумтаълим мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг билим ва тажрибасини ошириш борасида самарали тизимни яратиш, қолаверса, касб эгаларининг меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан ҳисобланади. Ўтган йилда умумтаълим мактабларига 62 нафар олий ва ўрта махсус маълумотли ёш педагог кадрлар ишга қабул қилинди. Шунингдек, 1016 нафар ўқитувчи вилоятда, 38 нафар раҳбар ходим республика халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтида ўқитилди. 54 нафар номутахассис педагог эса қайта тайёрлаш курсларида билимини мустаҳкамлади.

Жарқўрғонлик муаллимларнинг педагогик маҳорати юқори даражада эътироф этилаётганлигини фахр билан тилга олиш мумкин. Хусусан, 10 нафар ўқитувчи Халқ таълими вазирлиги, 8 нафари вилоят ҳокимлиги, 42 нафари халқ таълими бошқармаси, 48 нафари туман ҳокимлиги, 272 нафари халқ таълими бўлимининг мақтов ёрлиқлари ва 8 нафари «Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. Бундан ташқари, улар республика миқёсида ўтказиладиган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичида фаол иштирок этишди. Феруза Маҳмараимова, Азамат Холбоев, Нодира Чориева, Замира Арапова, Шоира Садатова, Гулбаҳор Мирзаева, Манзура Самадова, Раъно Усанова, Нилуфар Жабборовалар вилоят ўқитувчилари ўртасида ўз фанлари бўйича моҳир педагоглар сифатида тан олинди.

— Ёшларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёсдир, — дейди халқ таълими бўлими мудири Содиқ Шерматов. — Бунинг учун, энг аввало, умумтаълим мактабларининг спорт базасини мустаҳкамлашга катта аҳамият қаратаяпмиз. Шу мақсадда ўтган йилда таълим масканларига халқ таълими бўлими томонидан 9 миллион 206 минг сўмлик спорт анжомлари ва кийимлари олиб берилди. Ўқув муассасалари қошида 492 та спорт секциялари ташкил этилган бўлиб, уларда 16243 нафар ўғил-қиз шуғулланмоқда. «Умид ниҳоллари — 2006» мусобақасининг вилоят миқёсидаги саралаш баҳсларида 21- ва 30-мактабларнинг волейболчи қизлар жамоалари I ўринни, қўл тўпи бўйича эса 7-мактабнинг ўқувчи қизлари II ўринни қўлга киритишган бўлса, республика босқичида 12 нафар вакилимиз фаол иштирок этди. Тумандаги 1-мактабда бадиий гимнастика гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. 36 нафар қиз спортнинг ушбу нафис тури бўйича машғулотларда қатнашишяпти.

Бундан ташқари, халқ таълими бўлими қошидаги «Ёш сайёҳлар маркази», «Ўқувчилар ижодиёт маркази» ва «Ўқувчилар техник ижодиёт маркази»да ёшларни она табиатга меҳрли қилиб тарбиялаш, улардаги туғма иқтидор ва қобилиятни юзага чиқариш мақсадида турли тўгараклар ишлаб турибди. Уларнинг самарали фаолият кўрсатиши туфайли туман ёшлари вилоят миқёсидаги тадбирларда муваффақиятга эришишмоқда. Жумладан, «Ёш доирачилар», «Ёш рақкосалар», «Ёш талантлар», «Юрт фарзандлари — Ватан келажаги» кўрик-танловлари, «Хонада учувчи энг яхши самолёт моделлари», «Энг яхши автомоделлар» мусобақаларида фахрли ўринлар қўлга киритилди.

Келажагимизнинг муносиб ворисларини тарбиялаш учун уларни боғча ёшидан мактабга пухта тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда тумандаги мактабгача таълим муассасаларида «Учинчи минг йиллик боласи» Давлат дастури асосида таълим-тарбия ишлари олиб борилмоқда. Боғча ва мактаблар қошида саводхонлик гуруҳлари ташкил этилган. Бу борада «Кичкинтой», «Олтин калитча», «Нафосат», «Қалдирғоч», «Табассум», «Ўзбекистон», «Лола» каби тарбия масканларида эришилаётган ютуқлар ғоят ибратли. Болажонларни нафақат ақлий тарбиялаш, балки жисмоний чиниқишига аҳамият қаратиш, спорт билан ошно қилиш доимий эътиборда.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

## УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

***«Фарзандлари келажагини ўйлаб яшаш — ўзбек миллатига хос фазилат. Бизнинг ишимизга кимки баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин».***

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2007 йилда ижтимоий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисдаги маърузасида Юртбошимиз томонидан айтилган бу гаплар эндиликда барчамизнинг қалбимиздан чуқур жой олди.

Урганч Давлат университети бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўз таркибига 6 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. Профессор-ўқитувчилар, ишчи-хизматчилар ва талабаларни ҳар томонлама ижтимоий ҳимоялашда меҳнат фаолиятини юргизиш, таълим олиш жараёнининг ҳуқуқий нормаларига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Айниқса, бу борада ҳукумат томонидан қилинаётган ғамхўрлик, берилаётган имкониятлар ва имтиёзларнинг иш ва ўқув жараёнига ижобий таъсирини янада кучайтириш мақсадида турли тадбирларни амалга оширяпмиз.

Ходимлар ва талабаларга етарли даражада иш, ўқиш ва яшаш шароитларини яратиш, иш ҳақлари ва стипендияларни ўз вақтида бериш, дам олиш ва соғломлаштириш, маданий-оммавий ва спорт ишларини сифатли уюштиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Жамоа шартномаси асосида ижтимоий-иқтисодий ҳимояга муҳтожлар учун маъмурият ва касаба уюшмаси ҳамкорлигида имтиёзлар ва кафолатлар тизими яратилганлиги ҳар бир аъзонинг уюшмага ишончини оширибгина қолмай, меҳнатга муносабатини ҳам ўзгартирмоқда.

Дейлик, жамоа шартномаси асосида ҳар йили 300-400 нафар талаба, 100-150 профессор-ўқитувчи ва ишчи-хизматчилар университет санаторий-профилакторийсида, 100-120 нафар талаба маъмурият ҳисобидан спорт-соғломлаштириш оромгоҳида ўз соғлиқларини тикламоқдалар. Республика ва вилоят миқёсидаги сиҳатгоҳларда ҳар йили 10-25 нафар ходим даволанмоқда.

Профессор-ўқитувчилар, ишчи-хизматчилар ва талабаларнинг иқтисодий ҳимояланиш даражаси мунтазам равишда таҳлил қилиб борилмоқда. Бу кўрсаткич 2005 йилда 72932 сўмни ташкил қилган бўлса, 2006 йилда 90328 сўмга етди. Жамоа шартномаси асосида ходимларнинг барчасига ҳар йили 4-5 марта қўшимча ойлик маош берилмоқда. Шунингдек, устама ҳақлар, қўшимча стипендиялар ажратиш анъанага айланган. Ҳар йили 400 га яқин ходим 30 фоиздан 100 фоизгача устама ҳақ, 55-65 нафар талаба қўшимча стипендия олмоқдалар.

Ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш, талабаларни четлатиш касаба уюшмаси иштирокисиз ҳал қилинмайди. Биз университетимизда фаолият кўрсатувчи жамоат ташкилотлари, хусусан, «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, «Нуроний» жамғармаси билан мустаҳкам ҳамкорликда фаолият юритяпмиз. У ишимизни янада самарали бўлишига хизмат қилмоқда.

Университетимизда 300 мингдан зиёд китоб фондига эга ахборот ресурс маркази фаолият кўрсатиши илм эгаллаш учун яратилган энг катта шароитдир. Бу ерда маъруза матнларининг электрон версияларидан фойдаланиш имконияти борлиги талабалар учун яна бир қулайлик бўлди.

Ўқув даргоҳимизда ўнлаб интернет хоналари бўлиб, талабалар ундан бепул фойдаланадилар. Шунингдек, 15 дан зиёд маънавият хоналарида талабалар ўз устларида ишлашлари учун шароитлар яратилган. 650 ўринли дунё стандартлари даражасида таъмирланган ва жиҳозланган 3 та талабалар турар-жойи ҳам улар ихтиёрида. Мунтазам равишда «Энг яхши хона», «Энг яхши қават», «Энг яхши талабалар турар жойи», «Соғлом турмуш тарзи» мавзуларида кўрик-танловлар ўтказилаётганлиги талабаларда ташаббускорлик ва омилкорликни тарбияламоқда.

Кўплаб фан тўгараклари, тиқувчилик, рассомлик устахоналари, машина тузатиш цехи фаолият кўрсатмоқда. Бу талабаларни вақтнинг қадрига етишга, ўз устида тинимсиз ишлашга, изланишга даъват қилади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларини бажариш, илм-фан уфқларини янада кенг очиш мақсадида Англия, Германия, Швеция каби давлатлар университетлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ҳомийлик халқимиз қон-қонига сингиб кетган фазилат. У университетимиз жамоасига ҳам бегона эмас. Биз Хивадаги 20-сонли болалар уйи билан дўстона муносабат ўрнатганмиз. Профессор-ўқитувчилар уларга турли мавзуларда маърузалар ўқиб, жамиятда ўз ўринларини топадиган инсон бўлишга даъват этсалар, компьютер ўргатсалар, талабалар ўз қўллари билан ўйинчоқлар ясаб беришади.

Умуман, университет фаолияти воҳада илм-фанни юксалтиришга, етук кадрлар тайёрлашга қаратилган. Биз бу йўлда ижтимоий ҳимояга, меҳнат муҳофазасига, ҳар бир аъзони ҳуқуқий, иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирларимиз билан елкадошмиз.

**Оллоёр КАРИМОВ,**
**Урганч Давлат университети бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**







## ОРЗУДАГИ МАКТАБЛАР

Бундан бир неча йиллар илгари чет эл фильмларида намойиш этилган кўркам, компьютер ва ўқув қуроллари билан жиҳозланган, спорт залида турли тренажерлару сузиш ҳавзаси бор мактаблар биз учун ушалмас орзу бўлиб кўринарди. Ҳозирги кунда эса таълимда замонавий технологиялардан, интернетдан фойдаланиш оддий ҳолга айланиб бормоқда. «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури» мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодга халқаро андозаларга мос билим олиш имконини бериш ҳамда ватан келажаги учун хизмат қиладиган малакали кадрлар базасини яратишда муҳим омил бўлиб қолди.

Яқинда Фарғона вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раҳбарияти Олтиариқ туманидаги 11-мактабда бўлди.

— Вилоятимизда 910 та мактаб мавжуд бўлиб, уларнинг 842 тасини 2009 йилга қадар тўлиқ таъмирдан чиқариш ва замонавий ўқув қуроллари билан таъминлаш кўзда тутилган, — дейди вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси С.Саидхўжаев. — Олтиариқ туманида жойлашган 11-умумтаълим мактаби ҳам дастур шарофати билан таъмирдан чиққан, ўқитувчи ва ўқувчиларга фойдаланиш учун топширилган ўқув даргоҳларидан бири.

Дастурни амалга ошириш жараёнида вилоятда 10 та янги мактаб қурилиб, 215 таси капитал реконструкция, 372 таси капитал таъмир ва 245 таси жорий таъмирдан чиқарилди. Шу кунгача қурилиши керак бўлган мактаблардан 5 таси фойдаланишга топширилиб, 3084 янги ўқув ўринлари ташкил қилинди. Бу қурилишларга давлат бюджетидан тўрт миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди.

— Мактаб аввал деярли яроқсиз ҳолатда эди, — дейди туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси Муяссар Файзиматова. —Р.Эркабоевнинг қурилиш корхонаси таъмирчи усталари ҳаракатлари натижасида у ҳозиргидек кўркам кўринишга келди. Уни капитал реконструкциядан чиқаришга 382 миллион сўм сарфланган. Бу ерда компьютерлар, лингафон хоналари, спорт зали ўқувчиларга хизмат қиляпти.

Мактабда 11 нафар ногирон ўқувчи таълим олади. Уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш касаба уюшма зиммасида.

Галдаги учрашув ҳам ҳар икки томон учун фойдали бўлди. Вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси С. Саидхўжаев мактаб жамоасига меҳнат қонунлари, пенсия ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласида маъруза қилди. Кўпчиликни қизиқтираётган саволларга жавоб берди.

**Улуғбек ИБОДИНОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## МАЪНАН ЮКСАК, ЖИСМОНАН БАҚУВВАТ

***Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг асосий вазифаси ёшларни фойдали меҳнатга ва ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш, сиёсий-маънавий дунёқарашини ўстириш, халқимизнинг бой тарихи, шонли жанговар анъаналари ва қадриятларини эъзозлашга ўргатиш ҳамда жисмонан бақувватлигини таъминлашга эришишдан иборат.***

*Мақсадга эришишда ташкилотнинг Яккабоғ тумани бўлимида ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Ақидапарастлик, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича суҳбатлар, семинарлар уюштирилмоқда. Бундай тадбирларда кенг жамоатчилик ва ота-оналар ҳам фаол иштирок этишмоқда. Мунозарали баҳсларда уларнинг фикр-мулоҳазалари, бу борадаги қарашлари ҳам тингланаяпти. Муҳими, ёшларимизнинг шижоатли, қатъиятли ва келажаги порлоқлиги суҳбатларда яққол кўзга ташланмоқда.*

*Бу соҳада корхона ва муассасалар, ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик, айниқса, яхши самара бермоқда. Масалан, Мудофаага кўмаклашувчи Ватанпарвар кенгаши, туман ҳарбий ишлар ва халқ таълими бўлимлари билан биргаликда давлат дастури асосида спортнинг 6 та тури бўйича мусобақалар ўтказилиши анъанага айланган. Бу ёшларни чиниқтириш билан бирга улардан энг фаолларини саралашга ҳам имкон бермоқда. Шунингдек, уларни касб-корга ихтисослаштиришга эътибор янада кучайтирилмоқда. Бунда техникани бошқариш ва ундан фойдаланиш ишлари қўл келмоқда. 122 нафар касб эгалари тайёрлаш машғулотларини кўнгилдагидек олиб боришаяпти. Ўтган ойларда 600 нафардан зиёд ёш мутахассислар тайёрланди. Ўқув ва ҳарбий машғулотлар ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.*

*Бўлажак ҳарбийларни жанговар руҳда тарбиялаш ишларида Тўрамурод Хушвақтов, Музаффар Мусурмонов, Олимжон Бекназаров, Бобоқул Қудратов, Тўра Назаров, Йигитали Эгамбердиев кабиларнинг меҳнатлари, айниқса, эътиборга моликдир.*

**Хайрулла ТЎРАЕВ,**
**фахрий журналист**

## КЕЛАЖАККА ИШОНАМИЗ

### дейишди қўнғиротлик ўқитувчилар

***Қўнғирот — Қорақалпоғистоннинг иқтисоди бақувват туманларидан. Уни мамлакатга танитган меҳнаткаш одамлари десак, асло муболаға бўлмайди. Истиқболи янада порлоқ. Айнан шунинг учун ҳам кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида туманда амалга оширилаётган ишлар, соҳа ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрликлар билан қизиқдик.***

—Туманимиз мактабларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, — дейди халқ таълими бўлими мудири Максет Ҳикметов.— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони айни муддао бўлди. Дастур асосида мазкур муддатда 3 та янги мактаб қуриш, 16 та мактабда капитал реконструкция, 16 тасида капитал таъмирлаш, 10 тасида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида 1100 дан зиёд ўқитувчига устама ҳақ тўланмоқда. Ҳомийлар томонидан кам таъминланган оила фарзандларига ўқув қуроллари, кийим-кечаклар совға қилиш ҳам анъана тусини олди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман вакили Тиловли Максимов ҳамроҳлигида мактаб ва коллежлардаги ўқув жараёни билан танишдик.

47-мактабда 105 нафар ўз касбининг усталари сабоқ беришади. Гулнора Худойберганова, Грон Пак, Бозор Эркараева каби ўқитувчилар, айниқса, шогирдлари меҳрини қозонишган.

— Мактабимиз мазкур ўқув йилида капитал реконструкция қилиниши режалаштирилган, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Тугалжон Темиров.— Демак, шарт-шароитлар янада яхшиланади, энг замонавий ўқув жиҳозлари келтирилади. Шунга монанд таълим сифати ҳам ошади.

Аслида мактабда таълим-тарбия ишлари ҳозир ҳам кўнгилдагидек йўлга қўйилган. Ўзлаштириш кўрсаткичлари анча юқори.

Жамоа касаба уюшма мададидан мунтазам баҳраманд бўлиб келмоқда. Бошланғич ташкилот хонасида меҳнат қонунчилигига доир адабиётлар етарли. Бу ер ҳар доим гавжум. Бирон ишга қўл уришдан олдин касабақўм билан маслаҳатни бир жойга қўйиш одат тусига кирган. Мактабдаги маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари касаба уюшма кўмагисиз ўтмайди.

50-мактаб фанларни чуқур ўргатишга ихтисослаштирилган. Билим даргоҳи 2005 йилда реконструкция қилинган бўлиб, айни пайтда 255 нафар ўқувчи химия-биология, математика, тарих-филология йўналишлари бўйича таҳсил олади. Ўқувчилар ҳар йили республика миқёсидаги фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритишмоқда. Битирувчиларнинг 70-80 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинмоқда.

— Ихтисослашган мактабда сабоқ бериш анча мушкул, — дейди мактаб директори Замира Туремуратова. — Чунки иқтидорли ўқувчи ўқитувчининг билимини дарров баҳолай олади. У кўнгли тўлмаганлигини яшириб ҳам ўтирмайди. Шу боис муаллимларимиз ҳар бир дарсга алоҳида тайёргарлик кўради. Сарвархон Олломуродова, Санамжон Ўрозбоева, Қодирбек Калиев, Клара Куйшекенова каби ўқитувчиларимиз ноанъанавий услубдаги дарслари билан ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

43-мактабда ҳам физика-математика, химия-биология, тарих-филология чуқурлаштирилган ҳолда ўтилади. 2001 йилда ҳашар йўли билан бунёд этилган ушбу илм даргоҳида 408 нафар ўқувчи таҳсил олади. Ўтган ўқув йилида 55 битирувчидан 36 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирди.

— «Шуҳрат» медали соҳибаси Гулбаҳор Эшқобулова, Турдигул Худойберганова, Турсунбой Хушбонов каби ўқитувчиларимиз нафақат ўқувчиларнинг меҳрини қозонган, балки ўз тажрибалари билан ҳамкасблари ўртасида ҳам ҳурматга сазовор,— дейди директор ўринбосари Рая Айтимбетова.

Бу ерда ўқувчиларни тўгаракларга жалб қилиш ҳам намунали йўлга қўйилган. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида тез-тез спорт мусобақалари, маданий тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилади.

Қўнғирот саноат-транспорт касб-ҳунар коллежи нуфузли ўқув масканларидан бири. Бу ерда 1500 ўқувчи таҳсил олади.

— Биз энг зарур бўлган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаймиз, — дейди коллеж директори ўринбосари Нажмиддин Абдуллаев.— Нефт-газ қудуқларини бурғилаш, нефт қудуқларини ишлатиш, нефт ташиш ва сақлаш, тепловоз машинисти ёрдамчиси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича таҳсил олган талабаларимиз иш топишда қийналмайдилар.

Коллеж Корея кредити асосида жиҳозланган. Айни кунда Устюртгаз шўъба корхонаси ўқув муассасасига ҳомийлик қилмоқда. Биз коллежда бўлган кунимиз корхонанинг илғор ишчи-хизматчилари билан талаба-ёшлар учрашуви бўлаётган экан. Тадбир савол-жавобларга бой бўлди. Талабалар ўзлари эгаллаётган касб ҳақида янада кўпроқ маълумот олдилар.

— Коллежимизнинг ўқув қуроллари билан тўлиқ жиҳозланишида касаба уюшмасининг ҳам хизмати катта, — дейди яна Н. Абдуллаев. — Уюшма томонидан ҳар байрамда ўқитувчи ва талабалар тақдирлаб борилади, кўплаб тадбирлар уюштирилади, совғалар улашилади.

Қўнғирот қишлоқ хўжалик коллежида ҳам замон талабларига мос келадиган мутахассислар тайёрланмоқда. Бу билим масканида 1162 ўқувчига 60 нафар ўқитувчи дарс беради.

— Бизда механик, қишлоқ хўжалик машиналари таъмири, чорвачилик, бухгалтер-аудитор, агрономия йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланади, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Ўрозбой Ершувоқов. — Таълим-тарбия ишларини талаб даражасида олиб бориш учун шароитлар етарли. Ўқув ва амалиёт хоналаримиз энг замонавий ўқув жиҳозлари ва қўлланмалар билан жиҳозланган. Талабалар амалиётни ёрдамчи хўжалигимизда ўтайдилар. Бу ерда турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирамиз. Олинган даромад кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга сарфланади.

Қайси мактаб ё коллежга бормайлик, у ерда қатъий тартиб-интизомга риоя қилинаётганлигига гувоҳ бўлдик. Ўқитувчилар дарсларни ноанъанавий усулда ўтишмоқда. Бу эса таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Сифатли таълим эса етук ва малакали кадрлар демакдир.

Тўғри, ҳали Қўнғирот таълим-тарбия муассасалари, ўқув масканларида амалга ошириш керак бўлган вазифалар кўп. Соҳа ходимларига етарлича ғамхўрлик кўрсатилаётган экан, бу юмушлар ҳам амалга ошмай қолмайди.

**Улли БОБОЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Замондошларимиз ҳақида ҳикоялар

***Гузар бошида чордона қуриб ўтирган икки нуронийнинг ўзаро суҳбати шу атрофда турганлар эътиборини тортмай қолмади.***
***— Баҳор яхши, серёғин ўтаяпти, насиб этса мўл-кўлчиликдан дарак бу.***
***— Айтганингиз келсин, оқсоқол! Аслида, ўтган йили ҳам, бошқа жойни билмадим-у, аммо Келесда об-ҳаво ёмон эмасди. Шу сабабли яқин орада мева-чева бунчалик сувтекин бўлмаганди, — шеригининг фикрини маъқуллади саксонни қоралаган Шавкат ота.***
***— Эсиз, умрнинг қирчиллама даври ўтиб кетди-да. Шундай даврлар келаркан, ер деҳқонга мулк қилиб бериларкан, қандай ишлаш кераклигини бир кўрсатиб қўярдик...***

# ЎЗГАРИШ

Келеслик нуронийларнинг армон қилганича бор: аксариятининг суяги деҳқончиликда қотган. Бир пайтлар тиним билмай меҳнат қилиб, тонна-тонна маҳсулот етиштиришган. Бироқ ҳосил пишиб етилганида, унинг эгаси чиқиб, сарҳисобда ширкат ҳам, миришкор ҳам қуруқ қоларди.

Ўтган йил бошида Абдураҳмонов номли ширкат хўжалиги тасаррруфидан 12 гектар боғ ва 15 гектар сабзавот экиладиган майдон тендерда ютиб олинган эди. Ҳозир эса аҳвол бутунлай бошқача. «Ғофир-Низомий» фермер хўжалигида амалга оширилаётган ибратли ишлар мисолида бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Пойтахт вилояти далалари бошқа ҳудудларникидан тубдан фарқ қилади: далалар ва боғларнинг аксарияти паст текисликда, ўнқир-чўнқирда жойлашган. Айтиш мумкинки, ҳар ким бу жойларнинг жиловини ушлашни уддалолмайди. Аммо мулкдорлик масъулияти, эгалик ҳисси ҳар нарсадан устун экан.

Жамоаси дастлабки йилдаёқ буни кўрсатдиқўйди: ер маҳаллий ва минерал ўғитга тўйинтирилиб, боғларга ишлов берилди. Меҳнат қилинса, боғ ҳам, ер ҳам ноумид қўймас экан. Масалан, ширкат хўжалиги даврида бир неча йиллар ана шу боғдан атиги 7-8 тоннадан ҳосил олинган бўлса, ўтган мавсумда 17-20 тонна сархил мева йиғиштирилди. Шунингдек, буғдойнинг тош босиши ҳам аввалгиларга қараганда 26-28 центнердан-га кўп, даромад буромадга яраша бўлди.

Фермер хўжалиги раҳбари Қобилжон Низомов ишнинг кўзини биладиганлардан. Даромадини ҳеч иккиланмай сабзавотчиликни ривожлантиришга йўналтирди: яъни таваккал, дея ҳар килограмм уруғ учун 1200 сўмдан сарфлаб, 45 тонна Голландия картошкасини буғдойдан бўшаган далага экди.

Кузакда ҳар гектаридан 350 центнердан сифатли маҳсулот олинди. Ҳолбуки, авваллари ҳосилдорлик 10-12 центнердан ошмаганлигини кўпчилик яхши эслайди.

Ўтган мавсумда харажатлардан ташқари соф фойда 40 миллион сўмни ташкил этди. Бунинг ҳисобига 45 та янги иш ўрни яратилди. 6 та замонавий техникалар сотиб олинди, маҳалладаги 14 та кам таъминланган оила, 4 нафар қарамоғида ҳеч кими йўқ кишилар, мактаб ва боғча учун 8 миллион сўм маблағ ажратилди. Собир Раҳимов туманидаги Меҳрибонлик уйига эса 4 миллион сўм ўтказиб берилди.

Шунингдек, тежалган маблағнинг бир қисми ҳисобидан Хитой давлатига бориб, 200 бош зотли қорамол сотиб олишга шартнома тузиб келди.

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз таъкидлаб ўтган ушбу сўзлар ёдимизга тушди: «...фермерлик ҳаракатининг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Бир фермер мажбуриятини бажариб, ўз даромадидан орттириб, мактаб ёки боғча қураяпти, баъзи фермерлар эса...»

Тошкент вилоятида ҳам фермерликни ҳавас қилиб, ер олгач, уддасидан чиқолмай қолганлар учрайди. Аммо Қобилжон Низомов мулкдорлик масъулиятини юракдан ҳис этиб, уни «келажагим ва фаровонлигим манбаи», деб биладиганлардан. Шу боис Оққўрғонга борган кунданоқ шу жойнинг аҳолисига, уларнинг турмуш тарзи ва ижтимоий масалаларига аҳамият берди.

Жумладан, 16 йилдан буён ташландиқ бўлиб ётган болалар боғчасини сотиб олиб, қайта таъмирлади, ободонлаштирди. Наврўз байрами кунлари мутахассисларни топиб, уни ишга туширди. Сарф-харажат ва озиқ-овқат масалаларини ҳам ўз зиммасига олди. Ҳозир ана шу шинамгина ва ҳар жиҳатдан шароитлар яратилган маскан қишлоқ болажонлари билан гавжум.

Ширкат тасарруфида бир пайтлар 15 мингта паррандани боқишга ихтисослашган товуқ фермаси бўларди. Парҳезбоп гўшт ва тухум маҳсулотлари етиштириш бўйича туманда бу ердагилар олдига тушадигани топилмасди. Беэътиборлик ва кимларнингдир масъулиятсизлиги сабабли у инқирозга учради. Мулкдор бу тармоқни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратмоқда. Таъмирлаш ва тартибга келтириш, янги бинолар қуриш ишлари бошлаб юборилган. Насиб этса июн ойига бориб, шу жойнинг ўзида 20 киши иш билан таъминланади.

Ишлаб чиқаришни жадаллаштириш яхши. Лекин маҳсулот сув текинга бировларга бериб юборилса, кишига алам қилар экан. Мазкур фермер хўжалиги жамоаси ўтган йили пишиқчиликда анча шошиб қолди: мева мўл бўлганидан уни жойлолмай, давлатга сотганидан ортиқчасини россиялик тадбиркорларга арзонгаровга бериб юборишди.

Агар мева-сабзавотлар шу жойнинг ўзида қайта ишланиб, сўнг экспорт қилинса-чи? Тадбиркор изланди ва йўлини топди. Айни пайтда Дания, Польша ва голландиялик ишбилармонлар билан истиқболли режалар тузилган. Унга кўра, етти хилдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган ҳамда қадоқлайдиган замонавий дастгоҳлар келтирилади.

«Ғофир-Низомий» фермер хўжалигининг амалга оширган ишларидан айримларига тўхталдик, холос. Аслида бу ҳақда кўп ва хўп гапириш мумкин. Бир нарса аён: ишловчилар шуурида ишлаб чиқаришга муносабат ўзгарган, яъни улар қўл ураётган ҳар бир иши эртага қанча даромад келтиришини яхши билишади.

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Хусусий тадбиркор Гулжан Турдиева Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган «Ташаббус-2007» кўрик танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида «Энг яхши ҳунармад» йўналиши бўйича 3-ўрин соҳиби бўлди.*

*Тиниб-тинчимас Гулжан опа ёшларимизга миллий ҳунармандчилик, бичиш-тикиш, каштачилик сир-асрорларини ўргатибгина қолмай, бозоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариб, халқимиз эҳтиёжини қондириб келмоқда.*



**Суратда: (чапдан) Гулжан Турдиева ишчилар Ўғилжон Аразова ва Жамила Айитовалар билан.**

**Б.АЛЛАШЕВ**
**олган сурат**

# Чорак аср йилномаси

Янгиқўрғонлик Нўъмонжон ака Умрзоқов бир сўзли, фидойи, ишнинг кўзини биладиганлардан.

У бундан чорак аср бурун техника институтини битириб, қадрдон Янгиқўрғонига қайтганди. Ёш мутахассис қишлоғидаги консерва заводига ишга кириб, билим ва малакасини синовдан ўтказди. Дастлаб технолог, сўнгра бош муҳандис бўлди. Олий даргоҳда олган билимларини ишлаб чиқаришда қўллаб, обрў топди.

— Нўъмонжон нафақат малакали мутахассис, балки серғайрат, тиниб-тинчимас тадбиркорларнинг кашшофи десам муболаға бўлмайди, — дейди ҳозирда у билан ёнма-ён ишлаётган дўсти Қодиржон ака Аҳмедов. — Бундай дейишимга асосим бор. Боиси, у тадбиркорлик ҳақида умуман гап-сўзлар бўлмаган ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ бу ишга дадил қўл урган, жамоа хўжалигининг ташландиқ, қаровсиз дала шийпонини жиҳозлаб, мева-сабзавотларни қайта ишлаш цехи ташкил этганди.

Қўлбола ускуналарни ўрнатиш, созлаш, ишга туширишда бевосита ўзи бош-қош бўлди. Ана-мана демай, ҳавас қилгудек корхона қад ростлади.

Қодиржон аканинг эътирофида жон бор. Тадбиркорликда муайян ишлар қилиб, эл оғзига тушган Нўъмонжон ака ишбилармонларга кенг йўллар очилиб, қонуний асослар яратилиб, имкониятлар берилганидан руҳланиб, фаолиятини янада кучайтирди.

Бундан ўн бир йил бурун «Ибрат» хусусий ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди. 1998 йилда фаолияти сусайиб бораётган консерва заводининг иссиқхонаси ва кичик омборини «Ким ошди» савдосида сотиб олди. Ўзи муҳандис эмасми, янги корхонани замонавий технологиялар билан жиҳозлади. Унинг саъй-ҳаракати билан зарур дастгоҳлар бетўхтов ва бенуқсон ишлаб турибди.

«Ибрат»да дастлаб беш киши иш бошлаганди. Ҳозирда муқим ишлаётганлар сони бир неча баробарга ошди. Мева ва полиз маҳсулоти пишиб етилган ёз ва куз ойларида ишчилар шартнома асосида ишга олинади. Уларнинг ойлик маоши 55-60 минг сўмни ташкил этади.

Муҳими, иш ҳақи ўз вақтида берилади. Чунки «Ибрат»нинг банкдаги ҳисоб рақамида ҳамиша етарли маблағ бўлади. Ишчилар иссиқ овқат билан бепул таъминланади.

Замон талабига мос одимлаётган бу корхонада йилдан-йилга ишлаб чиқариш қуввати ортиб бораяпти. 2004 йилда 200 тонна мева ва сабзавот қайта ишланганди. Кейинги йили бу кўрсаткич 300 тоннадан ошиб кетди. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида эса 500 тонна маҳсулот қабул қилиб олинди.

Бу кичик корхонанинг афзаллик томони шундаки, у маҳсулотни оз-кўп демай, бир маромда қайта ишлаш имконига эга. Улкан корхоналарникидан фарқли равишда «Ибрат» қайта ишлаётган хом ашё асло нобуд бўлмайди. Бу эса қиём, шарбат, томат пасталарининг таъми ва табиий ранги бузилмайди, деганидир. Оқибатда сифати талаб даражасида бўлиб, харидоргирлиги ошаяпти.

Яқинда бу ерда ўрикдан қиём ва шарбат тайёрлаш йўлга қўйилди. Шу мақсадда аҳолидан 20 тонна ўрик сотиб олинди ва шарбат, қиём тайёрлаб, истеъмолга чиқарилди.

Эндиликда «Ибрат»нинг мижозлари нафақат Янгиқўрғон, балки қўшни Чортоқ, Наманган, Косонсойда ҳам кўпайиб бормоқда. Улар етиштирган маҳсулотларини Нўъмонжон аканинг корхонасига олиб келаяптилар.

— Ўтган мавсумда томорқамда етиштирилган помидордан 5600 килограмини шу корхонага сотдим, — дейди қораёнтоқлик Жамолиддин Аҳмедов. — Эътиборли жиҳати шундаки, улар зарур бўлиб қолганда, техника воситасидан ҳам ёрдамлашиб юборишади.

Қатор йиллардан бери «Ташаббус» танловида фаол иштирок этиб келаётган Нўъмонжон ака Умрзоқов кўплаб хайрли ишларга бош-қош бўлмоқда. Маҳалланинг ички йўлини тартибга келтирди. Ишчи-ходимларнинг фарзандлари институтда ўқиши учун шартнома пулини корхона ҳисобидан ўтказиб берди.

«Ибрат»нинг ибратли ишларида Содиқжон Каримов, Фахриддин Халилов, Малика Жўрабоева сингари ишчиларнинг хизмати катта. Улар тайёрлаётган турли хил шарбату қиёмларга Фарғона водийсидан ташқари, Тошкент, Самарқанд, Бухоро вилоятларида ҳам талаб ниҳоятда кўп. «Ибрат» ёрлиғи билан қайта ишланган ноз-неъматларнинг майда шиша идишларга жойлаштирилиши айни муддао бўлаяпти.

— Келгусида шафтоли, олхўри каби мевалардан ҳам қиём, шарбат тайёрлаш чора-тадбирини кўриб қўйганмиз. Бунинг учун етарли имкониятларга эгамиз. Корхонамиз қуввати ҳам талаб даражасида, — дейди унинг моҳир раҳбари.

**Асқарали МАМАТОВ**

## Алишер ИБОДИНОВ

# СОҲИЛ ЯҚИН, ЯҚИН...

**(Қисса)**



**(Боши ўтган сонларда)**

Ҳа, Моҳигул ҳам кейинги бир-икки йил мобайнида кундошлик қисматига кўникди, шекилли, ортиқча хархаша қилмайди. Баъзан ўрни келганда «анавингиз... фалон ерда кўрдим... Жа, тасқара бўпти-ю» қабилида заҳаршаванда гап қилади-ю, ундан нарига ўтмайди. Бекмирза ҳар гал шундай ҳолларда сукут сақлашни афзал билади. Бир ҳисобдан Моҳининг кўнгли тўқ.

Барча мол-мулклар эгаси ўзи, Бекмирза бир кунмас бир кун ўз уйи — ўлан тўшагини қўмсаб, қайтиб келиши, кексалигини Моҳи ва болалари даврасида ўтказиши аниқ...

Шундай эса-да ўтли рашк ҳисси ҳар куни, ҳамиша Моҳигулнинг юрагини кемирар, баъзан ярим тунда уйга кириб келган эрининг башарасига шапалоқ солиб юборишдан ўзини аранг тиярди... Севаранинг ўша «ғар»нинг уйига бостириб боргани, онаси, ўғлини ҳақорат қилгани, қўни-қўшниларни йиғиб ғавғо кўтарганидан аслида дилида бир қониқиш ҳам ҳис этганди... Аммо бу ҳисни ташига чиқармади. Эрининг бу воқеадан ғазабланиши, аммо иложсиз тишини-тишига босишга мажбурлиги ҳам кўнглини ёритди. «Ўлиб кет, ўша мочағаринг билан! Қўшмозор бўл, хиёнаткор ит!» Ичида шундай ғалаёнлар кечса-да, ташида Моҳигул совуққон, хотиржам эди. Баъзан мана шу бефарқлик, хотиржамлик Бекмирзанинг андак ғашига тегар, негадир қони қайнаб, Моҳигул билан жанжал бошлаб ҳам қоларди. Кейин ўзини босар. «Нега унинг бефарқлиги асабимни эговлаяпти? Нима, ҳар куни ғавғо бошласа, кўнглим тинч бўлармиди?» дея ўзининг ғалати ҳолати сабабларини излар ва айланиб-ўгирилиб Моҳига бўлган муҳаббати ҳамон қалбининг бир четида яшаётганига ўзича тан берарди. «Наҳот, бир қалбга икки муҳаббат сиғиши мумкин? Йўқ, Моҳига нисбатан туйғуларим шунча йиллик эр-хотинлик ҳаёти ўрнатган турмуш иморатининг пойдевори холос. Иморат аллақачон қулаган, барбод бўлган, фақат унинг вайроналаригина қалбга андак оғриқ бахш этади, шекилли». Бекмирза Моҳигул билан хайрлашмай, ташқарига чиқиб кетди. Машинасига ўтириб, боши оққан томонга жўнади. Кўнгли кир, кайфияти хароб эди. Бир кўнгли қўл телефондан Солиҳанинг уйига қўнғироқ қилмоқчи бўлди, лекин онаси ёки ўғли гўшакни кўтаришлари мумкинлигини эслаб, фикридан қайтди. Бир-икки йилдан буён Солиҳанинг онаси билан ҳам, ўғли билан ҳам яқинлашишга кўп уринди, аммо натижа бўлмади. Кампир ҳам, ўғил ҳам уни ўз кўнгил қўрғонларига киритмадилар. Камолиддин авваллари унга хиёл кўнгли илигандай бўлувди. Бекмирза велосипед олиб берди, компьютер олиб берди... Лекин боланинг йирик-йирик кўзларида Бекмирзага нисбатан меҳр асло учқунламади. Кампир болани кўп эговлайди, шекилли...

Шаҳар четига чиқиб, у машинани тўхтатди. Янги сой қирғоқларидаги дарахтлар совуқда яланғоч одамдай шумшайган, қора қарғалар егулик илинжида сой ёқалари, асфальт йўл устида куймаланишарди. Қўл телефонини олиб, Солиҳанинг ишхонаси рақамларини терди. Кабинетда ҳеч ким йўқ, шекилли. Сўнг таваккал қилиб бошлиқнинг қабулхонасига қўнғироқ қилди. Таниш котиба дарров уни овозидан таниди.

— Бекмирза ака, қалайсиз? Хўжайин керакмидилар?

— Йўқ... ҳм, ўзлари яхшимилар? Менга Солиҳахон керак эдилар... Негадир жавоб беришмаяпти...

— Солиҳами? — котиба бир зум ўйланиб қолди, — эрталаб шу ерда эди... Кейин... Карима опа билан бир ёққа кетишди...

— Қаёққа?!

— Билмадим... Хўжайиндан Карима опа рухсат сўради, шекилли.

— Каримани қандай топсам бўлади?

— Қўл телефонига чиқинг... Мана рақами...

Карима анчагача телефонни олмади. Орадан ярим соатлар ўтгач, ниҳоят жавоб берди.

— Лаббай, Бекмирза ака, эшитаман,

— Каримахон, қалайсиз? Солиҳа ёнингиздами? Эрталабдан буён топа олмаяпман...

— Солиҳани ҳозир уйига ташлаб келдим, Бекмирза ака..

— Нега? Нима бўлди?!

Карима бир зум тараддудланди.

— Ростини айтсам, Бекмирза ака... У боласини олдирди!

— Нима?!

Бекмирзанинг қўлидан телефон тушиб кетаёзди, қўллари-оёқларидан мажол кетди.

Солиҳа онасининг хобгоҳидаги кенг кароватда узала тушиб ётар эди. Ранглари оппоқ, кўзлари аллақандай нурсиз, мунгли...

— Бола анча катта бўлиб қолган эди, — деди у мажолсиз товушда, — дўхтирлар кўнишмади, кейин бир медсестрани топиб, ўшанинг уйида...

Кутилмаганда Солиҳанинг кўзларидан ёш қуйилиб кетди, овози ҳирқираб қолди. Бекмирза жувоннинг титроқ қўлларини кафтлари орасига олди, шошганича ўпа-ўпа, силай бошлади. Ҳа, нақадар шошқалоқ, хулоса чиқаришда узоқни ўйламайдиган одам у! Зеро, Солиҳа шундай қилишга бағоят мажбур бўлганки, шу қарорга келган! Бекмирза билан маслаҳатлашмагани аслида уни эҳтиёт қилгани эди-ку, эй, бефаросат одам! О, ахир кеча Солиҳа боланигина эмас, юрагининг бир парчасини уздириб ташлади-ку! Нақадар онгсиз, тўнкасан, Бекмирза! Бу ёқда сенинг оиланг, у ёқда онаси ва боласининг қатъий қаршилигига учраган, туғилажак бола катта можаролар айбдори бўлишини ҳис этган Солиҳа... аслида қаҳрамонлик, валломатлик қилган эди, ахир! Нақадар шафқатсиз бу дунё!

Бекмирза аёлнинг қўлларини бўсаларга кўмди, ёши кексалик остонасига қадалган одам уялмай кўз ёш тўкди...

— Узр, Солиҳа, минг бора узр, мени, мен аҳмоқ, бетайинни кечиринг...

Солиҳа унинг юз-кўзлари, сочларини силади...

Шу куни Бекмирза уйига қайтмади. Қош қорайгунча Солиҳанинг атрофида парвона бўлди. Кечқурун қайнонаси, ўгай ўғлининг совуқ қарашлари, индамай, лекин қаҳрли қиёфада рўпарасида серрайишлари таъсирида ноилож «висолхона»га кетди. Лекин бу ерда ҳам ором топмади. Уч-тўрт карра Солиҳага телефон қилди, ҳар сафар унинг ўғли ёки онаси гўшакни кўтаришгач, улардан Солиҳани чақириб беришларини сўрашга ботинмади. Охири, музлатгичдан битта яхши ароқни олдида, кетма-кет икки пиёла симирди...

Эрталаб бозордан ул-бул егуликлар, Солиҳага ёқадиган мева-чева олди-ю, ўша ёққа шошди. Хайрият, Солиҳанинг ўғли Камолиддин мактабга кетган экан, қайнонаси унинг саломига бир нималар деб ғудранди-ю, ўзининг хонасига кириб, ғойиб бўлди. Солиҳа ювиниб-тараниб, кийинганича уни кутиб ўтирган эди. Бекмирза кирибоқ аёлни қучоғига олди, қайноқ бўсаларга, ширин-ширин сўзларга кўмди. Иккаласи ўтириб нонушта қилишди.

— Кечагидан анча дурустман, — деди Солиҳа, — организмим барибир бақувват экан, жуда тез ўнгландим... Аслида бу..., бу сизнинг таъсирингиз... Агар кеча келмаганингизда... мен ўлиб қолар эдим!

— Ундай деманг... Сиз ўлимдан гапирманг... Биласиз-ку, бу дунёда сиз бўлмасангиз, мен учун олам гиёҳсиз, куйдиргувчи қайноқ саҳродан ўзга нарса эмас...

Кечқурун Бекмирза ўз уйига кириб борди. Ҳамма нарса жойида — Севара юқорида болалари билан уришар, Тоҳир ҳар галгидек телевизордаги сериалга муккасидан кетган, келин ошхонада куймаланар, Моҳигул ўз хонасида, доимий хаёлларига ғарқ... Машинанинг дарвозадан кирганини деярли ҳамма сезди, аммо ҳеч ким безовталанмади. Ҳеч ким Бекмирзанинг истиқболига шошмади. Кейинги пайтларда ҳатто невaралари ҳам ўзидан бегонасираётганини Бекмирза сезарди, айниқса, Севаранинг қизи билан ўғли... Улар Бекмирзага сира ҳам мурожаат қилишмас, тасодифан айвонда ёки кўчада кўришиб қолишса, бирор хатарни сезган кийик боладай потраб, ўзларини четга олишарди... Севара бобоси ҳақида бир нарсалар деб уларни чўчитади, шекилли...

Бекмирза аста юриб, иккинчи қаватга, ўз хонасига чиқди. Диванга ўтириб, телевизор қулоғини буради. Орадан ярим соатлар чамаси ўтгач, остонада келини кўринди.

— Овқат опкелайми, дада?

— Опкелинг...

Келини стол устига қўйган иссиққина шавлани қандай еганини, шавла чайнадими, кесак ғажидими фаҳмлай олмади. Пиёладаги чойни ҳўплади-ю, қалқиб кетди, чой қайноқ эди! У сўкиниб, пиёлани деразадан пастга отиб юборди. Бетон саҳнга тушган пиёла қарсиллаб синди. Уйдаги одамлар бир зум қотиб қолишди. Кейин ҳамма деразадан ҳовлига мўралади... Бир-икки дақиқа жимлик ҳукм сурди. Сўнг ҳар ким яна ўз машғулотига берилди. Келин одатдагидек югургилаб келиб пиёла синиқларини супуриб куракчага йиғди-ю, ахлат ўрага олиб бориб ташлади.

Бекмирза дераза олдига келди-да, ташқаридаги совуққа қарамай, уни ланг очиб юборди. Ичкарига муздай ҳаво оқими ёпирилиб кирди. Бекмирза ютоқиб-ютоқиб нафас олар, гўё қаҳратон нафаси ичига тошқиндай бостириб кириб, юрагида ёнаётган куйдирувчи, жиззиллатувчи, юракни ўювчи алангани ўчираётгандай эди...

У яна бирор соатлар шу алфозда ўтирди. Сўнг пастга тушди-ю, машинасини миниб, «висолгоҳ»га жўнади. Бу ҳолга ҳеч ким парво қилмади...

Солиҳанинг боласини олдирганлиги хабарини эшитиб, Бекмирзанинг уйидагилар ҳам, Солиҳанинг онаси-ю, идорасидагилар ҳам негадир енгил тин олишди. Гўё бошларида авж олаётган бўрон бирдан тингандай, ҳаммалари хотиржам тортишди. Ҳатто Солиҳа ҳам дастлабки кунлари йиғи-сиғи қилиб юрди-ю, кейинроқ худди баданидаги ортиқча нарсани олдирган одамдай, аста-секин бу нохуш ҳодисани унута бошлади. Лекин юрагининг тубида нобуд қилинган болага ачиниш туйғуси хира пирпираб турса-да, уни фарзандкушликка мажбур этган кимсаларга нафрат ўти бутун вужудини ловуллатар эди. Алам ҳисси қалбини кемирар, «агар... агар шу ифлос, аблаҳ кимсалар, айниқса, анави...(Севарани ҳатто ичида ҳам номини хаёлига келтирмасди у) дунёни бошларига кўтаришмаганда... бизнинг боламиз бўларди!» деган аччиқ фарёд уни бетиним эзарди. Албатта, болага меҳр қўйиш учун у аввало туғилиши лозим, Солиҳа ҳомилани кўргани ҳам, жинсини билгани ҳам йўқ, шу боис йўқотишдан юракда ўтли алам ҳисси қолган эди, холос. Бу воқеа Бекмирзага ғалати таъсир қилди. Илгарилари Моҳигул ҳам бир-икки марта бола олдирган, лекин бу нарса уни пашша чаққанчалик ҳам безовта этмаган эди. «Ҳа, шунақа бўлдими... Майли, Худо берар, ҳозир иш, вақт тиғизлигини кўриб турибмиз-ку...». Шугина гап... Бу гал энди вазият анча мураккаб эди. Аввало Солиҳа бу ишга зўрлик, кучли ташқи таъсир натижасида қўл урди, иккинчидан Бекмирза ўз пушти камаридан бўлган болани асраб қололмади. Тўғриси, кучи етмади, ожизлик қилди. Худди мана шу ҳол унинг ҳамиятига тегди, эркаклик ғурурини эгди, умрида илк маротаба ўз хотини, ўғли ва қизига нисбатан юрагида ғайирлик, ёқтирмаслик ва ҳатто душманлик ҳисси уйғонди... Ўша воқеадан кейин орадан бир ойча вақт ўтди. Бекмирза уйига бормади.

Бир куни эрталаб Тоҳир уни йўқлаб келди.

— Дада! Қалайсиз?

— Яхши...

— Уйга бормай қўйдингиз? — Одатига кўра дарров дангалига кўчди Тоҳир. — Биздан ўтган бўлса, узр. Лекин қўни-қўшни, қариндош-уруғ орасида... Ўзингиз биласиз, оғзига кучи етмайдиганлар, қолаверса, ҳар хил бўлмағур гапларни тўқиб-бичаверадиган иғвогарлар тилига эрк берворишди... Ахир, биз нима ёмонлик қилдик, дада?!

Бекмирза нима дейишини билмай, анча муддат бошини эгиб қолди. Ахир, нима десин?

— Қўй бу гапларни, ўғлим, — деди у ниҳоят, — ҳамма гап ўзингга маълум...

— Севаранинг феъл-атворини яхши биласиз. Аям уни бир нарса деб қайраганини йўқ. Аксинча, иложи борича босишга уринади. Мен бир нарса дейишга уринсам бобиллаб, ҳовлини бошига кўтаради... Ўзимни босишга мажбурман... Бир томондан турмуши ҳалигидақа... лекин ўзи пок, сиз билан бизнинг шаънимизни ерга урадиган бирор ишга қўл урмаган... Бу томондан кўнглим тўқ. Агар бирорта лойиқ, қобил турмуш ўртоғи топилса, узатворардик... Лекин...

— Лекин унинг ўрнига дадаси уйланиб ўтирибди! Шунақа демоқчимисан?!

— Йўқ! Йўқ! Энди сиз ҳам тескарисига олаверманг-да, дада! Сира ҳам ундай демоқчи эмасман! Сизнинг танловингиз ўзингизники. Уни муҳокама этишга ҳаққим ҳам йўқ менинг!

— Хўп! Нима демоқчисан? — Бекмирза астойдил қизишди. Қон миясига тепиб, қўллари қалтирай бошлади.

— Уйга қайтинг, дада...

— Қайтмайман! Бор, йўқол!

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, уйга узун-қисқа бўлиб Бекмирзанинг икки укаси, синглиси кириб келишди.

— Ака, кап-катта одамсиз, шу ишингиз ярашадими сизга?! Уят эмасми, ахир! Неварали одамсиз, ўйлаб кўринг!

— Қўй, ука, синглим, мени ўз ҳолимга қўйинглар... Тўйиб кетдим, ўзи!

**(Давоми бор)**

